

электронное периодическое издание

ЭКОНОМИКА

и

социум

ISSN 2225-1545

№3(106)-2023



*Эрназарова Г.О.
ЧДПУ “Умумий педагогика” кафедраси мудири
Юлдашев А.Г.
ЧДПУ 3-босқич талабаси
Мадримова К.А.
ЧДПУ 3-босқич талабаси*

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳаларда фаол иштирок этиши, касбий-маданий нуқтаи назарга ва ўз фикрига эга, масъулиятли, жонкуяр педагог сифатида шакллантиришда уларнинг ижтимоий фаоллигини, ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик асослари ёритилган

Калит сўзлар: шахс, масъулият, педагог, ижтимоий фаоллик, маънавий соҳа, касбий-маданий нуқтаи назар, ижтимоий педагогик компетентлик.

*Ernazarova G.O.
Head of the "General Pedagogy"
department of ChDPU
Yuldashev A.G.
3rd stage student
ChDPU
Madrimova K.A.
3rd stage student
ChDPU*

DEVELOPMENT OF SOCIAL-PEDAGOGICAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS

Abstract: this article describes the pedagogical foundations of future teachers' active participation in socio-economic, cultural-educational, spiritual spheres, the development of their social activity, social-pedagogical competence in forming them as responsible, passionate pedagogues with a professional-cultural point of view and their own opinion.

Key words: personality, responsibility, pedagogue, social activity, spiritual sphere, professional-cultural point of view, socio-pedagogical competence.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган жадал ва туб ўзгаришлар натижасида профессионал кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

“Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси лойиҳаси ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга оид инновацион ва креатив ёндашувларни, балки мазкур жараёни таъминлашга имкон берувчи методологик ва технологик асосларни такомиллаштиришни бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллик компетентлигини юксалтиришни талаб этади.

Бўлажак ўқитувчилар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳаларда фаол иштирок этиши, ўз фикрига эга шахс, масъулиятли, жонкуяр педагог сифатида ижтимоий фаоллигини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда талаба-ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришни таълим-тарбия жараёнларига самарали татбиқ этишга оид тадқиқотлар С.Йўлдошева, Н.М.Эгамбердиева, М.Қуронов, Ш.Э.Қурбонов, Қ.Қуронбоев ҳамда З.Қурбонниёзовалар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган [1].

Россия ва МХД олимлари олий таълим муассасаларида талабалар ижтимоийлашув масалалари юзасидан В.И.Дубинский, В.В.Игнатова, Н.В.Ляхова, А.В.Мудрик ва Т.А.Шаляпиналар ўз тадқиқот ишларида ижтимоийлашувнинг назарий жиҳатларини асослаб берган [2].

Хорижлик тадқиқотчи олимлар D.Gwen [3], C.Cameron, M.Shameer ва J.Nämäläinenлар ёшлар ижтимоийлашувининг педагогик концепцияси ва амалий хусусиятлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар [4,5].

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган жадал ва туб ўзгаришлар натижасида профессионал кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш – Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил қилади. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили ижтимоий фаоллик муаммоси нафақат фалсафа, социология, иқтисодиёт, психология каби фанларнинг, балки педагогика фанининг ҳам илмий - тадқиқот муаммоси эканлигини кўрсатди.

Шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган З.М.Махмудов шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатларига оид педагогик, ҳуқуқий таълимотлар, фикрлар, қарашлар ва уларни такомиллаштиришни тақозо этувчи омиллар мантиқий кетма-кетликда, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг ютуғи унда шахс ижтимоийлашувини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш борасида илмий хулосалар, таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, шахс ижтимоийлашувида ижтимоий

тарбия институтларнинг таркибий қисми бўлган маданият муассасаларининг роли алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган [6].

Педагог кадрларнинг ўз педагогик фаолиятига нисбатан ижтимоий йўналтирилмаганлиги, яъни касбий таълимни жамиятнинг аниқ ижтимоий хусусиятлари, таълим муассасаси, талабалар ва ўқитувчилар жамоасининг ўзига хосликларини ҳисобга олиб ташкил этишга эътиборнинг суствлиги, шунингдек касбий-амалий жиҳатдан тайёрлашнинг бир томонламалиги ва чекланганлигини ҳамда касбий-маданий нуқтаи назарнинг шаклланмаганлиги, мутахассис ва шахс сифатида ўқитувчи имкониятларни рўёбга чиқаришга ундайдиган омилларнинг етарли эмаслиги, мотивация даражасининг пастлиги, шахсий ижтимоий мавқе борасида иккиланишларнинг мавжудлиги каби ўзига хос хусусиятларни Н.М.Эгамбердиева тадқиқотида қайд этиб ўтилган.

З.Т.Салиеванинг фикрига кўра, ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш ўқув, фаолият, мулоқот жараёнида бўлгуси касбий фаолиятга ўзаро уйғун ижтимоий-ахлоқий мослашишни таъминлаш, ижтимоий аҳамиятли маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш орқали амалга оширилади [2].

Россиялик олим А.В.Мудрик илмий изланишларида ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун Э.Фроммнинг ғояларини илгари суради. Унингча, ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий – маънавий ва руҳий асослари фавқулодда кучлидир, деб изоҳловчи ёндашув тарафдорлари кўпинча экзистенциализм назариясига таянадилар [1].

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида бугунги ёшлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, амалда апробациядан ўтган халқаро тажрибанинг маҳаллий шароитда янгича механизм ва ёндашувлар асосида амалиётга жорий этишда қатор ишларнинг амалга оширилиши, жумладан Ўзбекистонда ёшлар интилиш ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид, кадрларнинг салоҳиятини юксалтириш бўйича мустаҳкам тизим ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган қатор Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилингани юзасидан таҳлилий фикрлар қайд этилди.

Тадқиқотлар давомида турли соҳа олимларининг ёшлар ижтимоийлашуви муаммосига ёндашувларини ўрганиш, глобаллашув жараёнида жамиятнинг маънавий баркамол шахсга бўлган эҳтиёжи ортмоқда.

Шунинг билан бирга бўлажак педагогларни етарли касбий назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш бўйича ижтимоий педагогика ва педагогик компетентлик фанларини яхши

ўрганиш ва илмий тадқиқот ишларига эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради.

Педагогик компетентлик фанини ўқитиш жараёнида:

талаба-ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш самарадорлигини оширишда илмийлик, натижани олдиндан кўра олиш;

тизимлилик; изчиллик; интеграция;

инсонпарварлик;

мақсадга йўналтирилганлик, талабаларнинг шахсий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

фаолиятда тарбиялаш;

назариянинг амалиёт билан алоқадорлиги;

фанлараро, мавзулараро боғлиқликни таъминлаш, мақсади, мазмун ва уни шакллантириш методларининг бирлиги ва яхлитлиги;

шахслараро муносабатларнинг бирлиги; фаолият ва муносабат узвийлиги;

жамоада ўзига хос шахсий сифатларни намоён этиш ва ўқув билиш фаолиятини бошқара олиш, тарбияда ижтимоий фаоллик, ижодий ҳамкорликдаги фаолият, жамоатчилик назорати тамойилларидан фойдаланишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳаларда фаол иштирок этиши, касбий-маданий нуқтаи назарга ва ўз фикрига эга, масъулиятли, жонкуяр педагог сифатида шакллантиришда уларнинг ижтимоий фаоллигини, ижтимоий педагогик компетентлигини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар:

1. Гулямова Н.Г. Ёшлар тарбиясида ижтимоий педагогик билимларни ривожлантиришнинг аҳамияти // Таълим тизимини модернизациялаш шароитида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ижтимоий-педагогик ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент. ЎзПФТИ “Инновация Зиё” нашриёти, Сентябрь, 2020. – Б. 122-124.
2. Гулямова Н.Г. Ёшларда ижтимоий фаоллик ва ватанпарварлик компонентлигини ривожлантирувчи воситаларнинг аҳамияти // Халқ педагогикасида талаба-ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Нукус. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, 21-22 апрель 2021. – Б. 56-57.
3. Gwen D. Evidence-based social skills activities for children and teens (with teaching tips).; Cameron C. (2004) Social Pedagogy and Care: Danish and German practice in young people’s residential care, *Journal of Social Work*. Vol 4, no 2, pp 133 – 151.

4. Mitha Shameer. Top 25 Social Skills Activities For Teens And Young Children. March 11, 2022.
5. Hämmäläinen J. The Concept of Social Pedagogy in the Field of Social Work Journal of Social Work April 2003. 3(1):69-80.
6. Ernazarova G.O. The oretical basis of preparation of future teachers for professional pedagogical activity/ Academic Research in Educational Sciences, 3(1), 1057-1065. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-1-1057-1065>

Цзян Цзунцзюнь, АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ	576
Цуй Циюань, АНАЛИЗ ИМПОРТНЫХ И ЭКСПОРТНЫХ РИСКОВ КОМПАНИИ HUAWEI	583
Цуй Циюань, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ HUAWEI.....	589
Шодмонов Х.Б., ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ.....	596
Эрназарова Г.О., Юлдашев А.Г., Мадримова К.А., БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	599
Юзбоев Р.А., ПРОЧНОСТЬ И УСТОЙЧИВОСТЬ ПОКРЫТИЯ ПОД ВОЗДЕЙСТВИЕМ ВЕРТИКАЛЬНЫХ И ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ НАГРУЗОК ПРИ РАЗНЫХ ТЕМПЕРАТУРАХ	604
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИЕЙ	
Мицкевич Ю.А., Носырева И.Г., АУДИТ ПЕРСОНАЛА В КОМПАНИИ РОЗНИЧНОЙ ТОРГОВЛИ	608
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОЛИТИКИ И ПРАВА	
Кавьяр А.Ю., СОВРЕМЕННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ.....	616
СОВРЕМЕННЫЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЕ	
Амочаева А.С., СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТНО-КОНТРОЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ЗАПАСАМИ В ОРГАНИЗАЦИЯХ СФЕРЫ АПК.....	620
Болтаев Н.Ш., ПУТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СИСТЕМЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ	624
Орлова Ю.С., Пестунов М.А., СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ СТИМУЛИРОВАНИЯ МОТИВАЦИИ ТРУДА ПЕРСОНАЛА С УЧЕТОМ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН И СОВРЕМЕННЫХ ТЕНДЕНЦИЙ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ	630